Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 30-sentabr • Seshanba • 121 (27.926) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди — бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси».

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам муаллим ва мураббийлар!
Қадрли устозлар!

Дунёдаги энг машаққатли, айни пайтда шарафли касб эгаси бўлган сиз, азизларни умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан самимий мубораквод этаман.

Ҳеч шубҳасиз, биз барчамиз, ёшимиз ва касбу коримиздан қатъи назар, қалбимизда унутилмас из қолдирган қадрдон мактабимиз ва унинг бағрида кечган беғубор йилларимизни, бизга билим берган, инсонийлик фазилатларини ўргатган меҳрибон ўқитувчи ва мураббийларимизни умр бўйи катта ҳурмат ва эҳтиром билан эслаймиз. Айни шундай устозларга нисбатан миннатдорлик ва қарздорлик туйғуси азал-азалдан халқимиз эъзозлаб яшаётган энг буюк қадриятлардан бири бўлиб келмоқда.

Биз истиқлолга эришганимиздан кейин таълим соҳасида эски қолиплардан воз кечиб, бутунлай янгича принципларга, аввало, миллий анъана ва қарашларга, жаҳондаги илғор андозаларга асосланган тизимни барпо этиб, ҳаётимизга чуқур жорий этганимиз бугунги кунда ўзини амалда тўлиқ оқлаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Буни ҳозирги вақтда нафақат юртимиз аҳли, балки кенг халқаро жамоатчилик тан олиб, бу тизим узоқни кўзлаётгани, унинг миқёси ва кўлами ортиб, мамлакатимизнинг буюк келажаги учун том маънода ҳал қилувчи аҳамият касб этаётгани, таъбир жоиз бўлса, «портлаш таъсири»га олиб келиши мумкинлигини эътироф этмоқда.

Асосий маъно ва моҳиятини мутлақо янгича, мустақил фикрлайдиган, замонавий янгилик ва технологияларни ўзлаштиришга қурби-қудрати етадиган, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топаётган, маънавий ва жисмоний етук ёшларимизни тарбиялашдек эзгу мақсад ташкил этадиган бу тизим ҳақли равишда ўзгаларнинг ҳавасини уйғотмоқда.

Дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган ана шундай ёш авлодимизни вояга етказаётган фидойи ўқитувчи ва мураббийларга эътиборни кучайтириш, уларнинг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш, соҳа ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги тизимини яратиш таълим соҳасида олиб бораётган ислоҳотларимизнинг самараси ва пировард натижасини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Шу борада умумтаълим мактабларида хизмат қилаётган ўқитувчиларнинг ўртача иш ҳақи кейинги икки йил мобайнида 2,8 баробар оширилганини қайд этиш жоиз. Фақатгина мана шу йилнинг ўзида олий ўқув юртлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари ходимларининг иш ҳақи қўшимча равишда 1,5 баробар оширилгани бу йўлда яна бир муҳим қадам бўлди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Албатта, таълим соҳасида ишлаётган мутахассисларнинг бугунги ва келажак ҳаёти учун замин туғдириб бермасдан, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватламасдан, эртанги кунга ишончини мустаҳкамламасдан туриб, бу ҳақдаги барча даъватлар кутилган натижани бермаслигини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Табиийки, ҳозирги кунда турмуш даражаси ва сифатининг тобора ўсиб бориши ҳар қайси инсоннинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш, унинг меҳнатини холисона баҳолаш ва рағбатлантириш масаласини давлат ва жамиятимиз олдига муҳим вазифа қилиб қўймоқда. Бундай сиёсатни изчил амалга ошириш ва узлуксиз давом эттиришни мен бундан буён ҳам ўзимнинг Президент сифатидаги юксак бурчим деб биламан.

(Давоми 2-бетда)

Барчамизни билимлар оламига ошно этиш баробарида онгу-шууримизда олижаноб фазилатларнинг шаклланишида, теран ва соғлом тафаккур соҳиби бўлиб вояга етишимизда меҳрибон устозлар, фидойи мураббийлар, ғамхўр ўқитувчиларнинг хизмати беқиёсдир. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлод таълим-тарбияси, камолотида ғоят муҳим ўрин тутувчи ушбу соҳа ходимлари меҳнатини эъзозлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ТАЪЗИМ СИЗГА, УСТОЗЛАР!

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бир неча йилдан буён юртимизда 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Зеро, бу кун маърифатпарвар халқимиз, фарзанди камолини кўриш истагидаги ота-оналар, билимга чанқоқ ёшлар учун ҳам чинакам байрамдир. Меҳридарё устозларни ардоқлаш, уларга эҳтиром кўрсатиш халқимизнинг азалий ва айни пайтда истиқлол йилларида янгича маъно ва мазмун касб этган қадриятларидандир.

Шу кунларда мамлакатимизда умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган кўплаб тадбирлар, анжуманлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилмоқда.

Байрам арафасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда пойтахтимиздаги умумтаълим мактабларининг бир гуруҳ ўқитувчилари, мураббийлар, педагоглар Мустақиллик майдонини зиёрат қилиб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйдилар. Пойтахтимизда умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар, олий таълим тизимида кечаётган ўзгаришлар билан яқиндан танишиш мақсадида мактаблар, коллежлар, олий таълим даргоҳларида, музейлар, маданий-маърифий масканлар, санъат саройларида бўлдилар. Истиқлол йилларида шаҳримизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари билан танишдилар.

29 сентябрь куни «Туркистон» саройида мазкур умумхалқ байрамига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, таълим-тарбия соҳасида узоқ йиллардан буён самарали меҳнат қилган педагоглар, илғор ўқитувчилар, олимлар ва талаба-ёшлар таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчилари ва мураббийларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 29 сентябрда қабул қилинган фармонига биноан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

Бугунги кунда ўсиб келаётган авлодга пухта ва мукаммал билим бериш баробарида Ватан тақдири учун дахлдор, фидойи, миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу боис мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан эълон қилинган Ёшлар йилида таълим соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва такомиллаштириш, ўқитувчи ва мураббийлар касбини эъзозлаш, ёш ўқитувчиларга ҳар томонлама мадад кўрсатиш борасидаги эзгу ишлар кўлами тобора кенгаймоқда.

Бундай эътибор ва ғамхўрлик таълимнинг барча бўғинларида — умумий, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим тизимларида ўзининг яққол ифодасини топмоқда. Айни пайтда, таълим-тарбия сифатини оширишда барча тизим педагоглари меҳнатини рағбатлантиришнинг янги, самарали механизмини жорий этишда, ёшларга билим бериш ва маънавиятини юксалтиришда, иқтисодиёт тармоқлари учун малакали мутахассислар тайёрлашда ўқитувчиларнинг масъулиятини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ» МУНОСАБАТИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимизнинг маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, ёш авлодни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-ҳунарларни ўргатишдаги жонкуярлиги, таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ»

Азларов Турғун Раҳматович — Шайхонтоҳур туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Халимбетов Султанбай Багибекович — Тўрткўл туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг кимё ва биология фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ»

Воҳидова Сайёра Носировна — Шеробод туманидаги 56-умумий ўрта таълим мактаби директори, Сурхондарё вилояти

Мавлонов Холмирзо Ўролович — Тайлоқ туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг чизмачилик ва тасвирий санъат фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Эгамова Мўмина Тожиевна — Кармана қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг физика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

Азимова Комила Норматовна — Сардоба туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Аскарова Умида Абдулманнобовна — Андижон давлат университети қошидаги академик лицейнинг биология фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Аҳмадалиева Мунаввархон Олимовна — Тўрақўрғон туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Мамадалиева Зубайда Ражабовна — Ромитан туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабининг кимё-биология фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Мирзақулов Баҳодир Ҳатомович — Пахтакор туманидаги Болалар ва ўсмирлар спорт маркази директори, Жиззах вилояти

Ортиқбоева Ҳабиба Аллоёровна — Бўка туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг математика-информатика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Собиров Аҳмед Юлдашевич — Шовот туманидаги 49-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

(Давоми 2-бетда)

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ 90 ЁШГА ТЎЛДИ

Ўзбекистон Миллий университетининг муҳташам Маданият саройида мазкур санага бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг қатор давлат ва жамоат тузилмалари вакиллари, олий ўқув юртлари ректорлари, Ўзбекистон Фанлар академияси тизимидаги илмий муассасалар раҳбарлари, университет ўқитувчи ва талабалари, шунингдек, уни турли йилларда тамомлаган битирувчилар иштирок этди.

Йиғилишни Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори Ф.Муҳамедов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг профессор-ўқитувчилари ва талабаларига, бутун жамоасига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 26 сентябрда қабул қилинган Фармонига мувофиқ Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ташкил этилганининг 90 йиллиги муносабати билан унинг бир гуруҳ профессор ва ўқитувчилари, илмий ходим ва талабалари юксак давлат мукофотлари билан тақдирланди. Тадбирда уларга ушбу мукофотлар топширилди.

✓ Фракция фаолияти

ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДА ЯНГИ ТУЗИЛМА

унинг ҳуқуқий асослари яратилмоқда

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Фракция дастлаб Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган «Коллекторлик фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Мазкур лойиҳа юзасидан депутат Нўмонжон Аҳмаджонов, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Юридик департаменти директори Баҳодир Мерганов маруза қилдилар.

— Қонуннинг мақсади коллекторлик фаолиятини ташкил этиш, амалга ошириш, тўхтатиш ва тугатишга оид муносабатларни тартибга солишдан иборат, — деди Н.Аҳмаджонов. — Маълумки, ҳозирги кунда қарзларни қайтармаслик ва кечиктирилган кредитлар муаммоси нафақат ривожланаётган, балки иқтисодиёти ривожланган давлатлар учун ҳам долзарбдир. Мамлакатимизда ҳам дебиторлик қарзларини реструктуризация қилиш (қайта тарқиблаш) механизмларини яратиш ва ривожлантириш, муаммоли қарзларни ундириш ишларини тизимлаштириб олиб боришга эҳтиёж бор. Қарздорликни бартараф этиш соҳасида коллекторлик фаолияти билан профессионал тарзда шуғулланадиган институтларни ташкил этиш вазифалари олдимизда турибди. Мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш учун ушбу омиллар асос бўлди.

— Ушбу қонун молия бозори субъектларининг қарзларини ундириш, муаммоли кредитларни қайта тартиблаш муносабатларини тартибга солиш, қарзларни ундириш билан шуғулланадиган ташкилотларнинг вужудга келиши ва фаолият кўрсатиши тартибини белгилаш учун зарурдир, — деди Б.Мерганов, — Европа мамлакатлари ва АҚШда бу институт ўзининг афзал жиҳатиларини намоён этиб келаяпти ва синовдан ўтди.

— Коллектор инглиз тилидан олинган бўлиб йиғиш, тўплаш, талаб қилиб олиш, деган маъноларни англатади, — деди депутат Шарбат Абдуллаева.

2-бет >

Муборак Рамазон ҳайитингиз қутлуғ бўлсин!

КЎНГИЛ ОЛИШ ҲАМ ИБОДАТДИР,

— дейди Тошкент шаҳар бош имом хатиби Анвар қори ТУРСУНОВ

— Шарқ файласуфларидан қолган бир гап бор. Унда ислом дини бамисоли ёмғир. Гарчи бу ёмғир илк бор Араб саҳросини қондирган бўлса-да, унинг ёғиши қисқа ва шаррос эди. Мовароуннаҳр заминига эса бу ёмғир майдалаб ва узоқ муддат ёққан, деган маъно ётади.

— Ассалому алайкум раҳматуллоҳу ва баракоту. Аввало бутун халқимиз, ватандошларимизни кириб келаётган ийд Рамазон билан мубораквод этамиз. Оллоҳ субҳону таоло бу байрамни барчамизга раҳмат, меҳр-оқибат, яхшилик байрами бўлишлигини насиб айласин. Шукрлар бўлсинким, мустақиллик шарофати билан қадриятларимиз, ал-ҳусус қадриятлар жавоҳири — динимизга бўлган эътибор ниҳоятда юксак бўлди. Мўътабар Юртбошимизнинг икки ҳайитни байрам қилишлик ҳақидаги 1992 йилдаги фармонлари билан бундай диний айёмлар бардавом нишонланиб келмоқда. Бу йилги Рамазон ойи ҳам шукуҳли ўтди ва байрамга тайёргарлик ҳам олий мақомда бўлди.

4-бет >

Абдулла ОРИПОВ

ИЙМОН

Қандай кўкарардинг, айтгин, биродар,
Агар, Ватан деган бўстон бўлмаса.
Юксалармидинг ё тоғларга қадар,
Тепангда чеки йўқ осмон бўлмаса.

Заминда мавжуддир турфа хил жонзот,
Бири ўрмалайди, бирида қанот.
Мукаррам аталмас инсон деган зот,
Қалбида заррача иймон бўлмаса.

Барибир ғалати қавмдир башар,
Бир умр нафсига қул бўлиб яшар.
Ҳаққа етишарди, йўлида агар,
Ҳамроҳи ҳазрати Шайтон бўлмаса.

Эзгу ниятларни кўзладим фақат,
Гарчи юрагимда армонлар қат-қат.
Куйишлар, ёнишлар лекин на ҳожат
Сени англайдиган Инсон бўлмаса.

29.09.2008 й.

БОМДОД

Деразам ортида улкан коинот,
Мубҳам хотиралар қалбни тилади.
Ўғлим, деган овоз келади бот-бот,
Болам, деган шивир эштилади.

Хонамни чулғайди совуқ ҳаяжон,
Бошим оғирлашар, жунжикар этим.
Ахир мен ўғлингиз эдим, отажон,
Онажон, ахир мен болангиз эдим.

Саҳар оча бошлар оҳиста кўзин,
Тонг уйқуси сассиз кела бошлайди.
Таралар азоннинг товуши узун,
Рафиқам ибодат қила бошлайди.

27.09.2008 й.

БУГУНГИ СОНДА:

• ТАҲЛИЛ ВА МУЛОҲАЗАЛАР
депутатлик гуруҳлари фаоллигини оширишга хизмат қилади — 3

• ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ
дунёвий ва диний билимлар инсонни комилликка ундайди — 4

INTER-PRESS АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ
ОБУНА КИТОБЛАР, ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР
119-0000, 119-8383, 155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч., 13, e-mail: book@interpress.uz www.interpress.uz

O'zbekiston havo yo'llari TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Биз мустақиллик йилларида олдимизда турган энг устувор вазифа – соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу орзу-интилишларимизни рўёбга чиқариш авваламбор юқори малакали педагоглар, устоз-мураббийларга боғлиқ эканини чуқур англаган ҳолда, уларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ўрни ва нуфузини юксалтириш, қадр-қимматини жойига қўйиш, янги ҳаёт, янги жамият қуриш жараёнида жойларда ва марказда кундалик муаммоларни маърифат аҳли билан бамаслаҳат ечиш масаласига алоҳида эътибор қаратаётганимиз албатта бежиз эмас.

Бугунги кунда мамлакатимизда қарийб 1 миллион таълим соҳаси ходимлари ўзининг кўз нури ва қалб қўри, билим ва истеъдодини бағишлаб, 7 миллиондан зиёд ўғил-қизларимизга таълим ва тарбия бераётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу соҳада бизнинг қандай катта куч ва салоҳиятга эга эканимиз аён бўлади.

Шу маънода, мамлакатимизда 1 октябрь санасини Ўқитувчилар ва мураббийлар куни — мана шундай гўзал ва мўътабар байрам сифатида белгилаб, уни дам олиш куни деб эълон қилганимиз дунёда камдан-кам учрайдиган мисол бўлиб, давлатимиз, халқимизнинг, шахсан ўзимнинг сиз, азизларга бўлган чуқур ҳурмат ва эҳтиромимнинг яққол ифодаси десам, янглишмаган бўламан.

Шу ўринда яна бир фикрга алоҳида тўхталиб ўтишни лозим деб биламан. Бугунги кунда юксак маънавиятни жамиятимизда енгилмас кучга айлантириш ҳақида қизғин фикр алмашувлар бўлиб ўтаётганидан барчангиз яхши хабардорсиз. Бу ўта муҳим ва долзарб масалани кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйишнинг зарурати ҳақида ортиқча гапириб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман. Фақат таъкидлаб айтмоқчиман: болаларимизни миллий қадриятлар руҳида камол топтириш, биз кимларнинг, қандай буюк зотларнинг ворислари эканимизни фарзандларимизга етказиш, уларни аждодларимиз қолдирган улуғ ва бетакрор меросининг муносиб давомчилари этиб тарбиялаш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ана шундай муҳим тушунчаларни биз интилаётган эркин ва фаровон, обод ҳаётни бунёд этишга қодир бўлган янги авлоднинг онгига сингдириш, уларни бугунги юксак тараққиёт чўққиларини эгаллашга даъват этиш, умидимиз ва ишончимиз бўлмиш ўғил-қизларимизни ҳар қандай бало-қазо ва хавф-хатарлардан асраш ва ҳимоя қилиш биз учун энг ўткир, ҳал қилувчи масала бўлиб қолаётганини унутмаслигимизни истардим.

Мана шундай буюк, ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган вазифани аввало навқирон наслнинг меҳрибон тарбиячилари, менинг энг яқин кўмакчим ва маслакдошларим бўлган сиз, азизларга ишониб топширганимизни бугун шу юксак минбар орқали алоҳида таъкидлашдан мамнунман.

Муҳтарам ва қадрли устозлар!

Мана шу муборак кунларда бутун юртимиз бўйлаб кенг нишонланаётган қутлуғ байрамингиз билан сизларни яна бир бор табриклар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга тинчлик ва файзу барака тилайман.

Меҳр ва маърифат нури қалбингизни ҳеч қачон тарк этмасин, азизларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ТАЪЗИМ СИЗГА, УСТОЗЛАР!

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Мен салкам қирқ йилдан буён ўқитувчилик қилиб келаман, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, Хоразм вилоятининг Гурлан туманидаги 5-умумтаълим мактаби директори Анорхон Маҳмудова. — Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан истиқлол йилларида таълим-тарбия соҳасига давлат сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида эътибор қаратилаётир. Бунинг натижаси ўлароқ, ўқитувчилик касби янада юксак шараф ва эъзоз, қадр-қиммат топмоқда. Бугун замоннинг ўзи ёшларга нафақат чуқур билим беришни, балки уларнинг қалби ва онгига энг эзгу ғояларни жо этишни, миллий манфаатларимизга ёт мафкуравий ғоя ва таъсирлардан ҳимоялашни талаб этмоқда. Педагогларга кўрсатилаётган ғамхўрлик бизни янада фидойироқ бўлишга, навқирон авлодга билим бериш, уни тарбиялашдек улуғвор ишга катта масъулият билан ёндошишга, изланишга ундайди.

— Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли таълим тизимининг мутлақо янги бўғини — ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимига асос солинди, — дейди Республика рассомлик коллежи ўқитувчиси, Ўзбекистон Республикаси халқ устаси Фасиҳиддин Дадамуҳамедов. – Юртимизнинг турли ҳудудларидаги коллежларда ижтимоий-иқтисодий соҳалар бўйича кўплаб йўналишларда мутахассислар тайёрланмоқда. Ёшларнинг қизиқиши, орзу-интилишларини инобатга олган ҳолда касб-ҳунарга йўналтирилмоқда. Биз, педагоглар, педагог-муҳандисларнинг меҳнатимизни рағбатлантириш масаласи давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Президентимизнинг 2008 йил 30 июлда қабул қилинган «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори бунинг яна бир ёрқин далилидир.

Ушбу умумхалқ байрами арафасида «2008 йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танлови якунланди.

Йиғилишда Республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари, педагогика фанлари доктори Муҳаммаджон Қуронов, пойтахтимиздаги 206-боғча-мактаб ўқитувчиси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг педагогик грант совриндори Замира Азимбоева, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Раъно Ярашева Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни пухта билимли, жисмонан соғлом, юксак маънавий фазилатлар соҳиби этиб тарбиялаш барча жабҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсади эканини алоҳида таъкидладилар. Соҳа ходимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг катта байрам концерти намойиш этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири
М.АМИН (ЎзА) олган сурат

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ» МУНОСАБАТИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини замонавий асосда такомиллаштириш, халқимизнинг маданияти ва маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни ватанпарварлик ва миллий ғояга садоқат руҳида тарбиялаш, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги кўп йиллик фидокорона хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Бўронов Олим Саидович — Ромитан агробизнес касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси — ишлаб чиқариш таълими устаси, Бухоро вилояти

Эшонқулов Артиқбой — Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейи директори, Тошкент шаҳри

Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишига қўшган катта ҳиссаси, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишдаги ибратли фаолияти ва халқ таълими тизимидаги кўп йиллик самарали меҳнати учун қуйидагилар мукофотлансин:

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Асқарова Муҳаббат Исмаиловна — Қўшкўпир туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг француз тили ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Бердиева Айша Досбековна — Жиззах шаҳридаги 2-болалар мусиқа ва санъат мактабининг чолғу асбоблари бўлими ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Боймуродова Гулчеҳра Очиловна — Чироқчи туманидаги 37-умумий ўрта таълим мактабининг меҳнат таълими фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Ботиров Сайидмурод — Каттақўрғон тумани халқ таълими бўлими услубчиси, Самарқанд вилояти

Жўраев Салим Мардиевич — Бухоро туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактаби директорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари, Бухоро вилояти

Павлова Ирина Геннадьевна — Учтепа туманидаги 107-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Талхаев Сали — Фарғона туманидаги 51-умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Ҳамдамов Илҳом Маматқулович — Избоскан туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Хўжаев Абдитолиб Нормаматович — Навбаҳор туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Ёш авлодни маънавий етук ва жисмонан соғлом қилиб камол топтириш ишига қўшган улкан ҳиссаси, уларга билим ва тарбия бериш йўлидаги ибратли фаолияти ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдуллаева Назокат Камоловна — Касби туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Андреев Лев Федорович — Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги Мирзо Улуғбек номидаги академик лицейнинг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Зарликова Куанишгул — Нукус тиббиёт коллежининг стоматология фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Нурматова Ҳолида Мазитовна — Ширин шаҳридаги 1-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Сирдарё вилояти

Эшқуватов Иззатулло Сайфуллаевич — Каттақўрғон тиббиёт коллежининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Юртимизда тинчлик ва тотувлик, миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, жамиятда меҳр-оқибат ва бағрикенглик ғояларини қарор топтириш, иқтидорли ёшларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш, уларни халқимизнинг муносиб фарзандлари, ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялаш йўлидаги намунали хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдурасулова Зарифа Абдураҳмоновна — Китоб туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Акабоев Ҳасан Тўлиевич — Зафаробод қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Жиззах вилояти

Асриева Елена Александровна — Мирзо Улуғбек туманидаги 64-умумий ўрта таълим мактабининг тарих ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Аҳмедова Нигора Янгиевна — Олот туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг тарих, давлат ва ҳуқуқ асослари фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Болтамуратова Арзигул Жолдасбаевна — Шуманай туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Жўраева Раҳима Бўстановна — Мингбулоқ туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг немис ва инглиз тиллари фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Кўчқорова Гулара Йўлдашевна — Гурлан туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Кушанова Фотима Байгараевна — Ўртачирчиқ туманидаги 28-умумий ўрта таълим мактабининг қозоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Назаров Исмоил Ибрагимович — Қизилтепа туманидаги 3-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси, Навоий вилояти

Рўзиева Насиба Саваровна — Термиз туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Собиров Нусратилло Ҳабибуллаевич — Марҳамат қишлоқ ва сув хўжалиги касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Андижон вилояти

Қайпов Бекполат Мирзамбетович — Кегейли туманидаги 50-умумий ўрта таълим мактабининг кимё ва биология фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Ёш авлодни Ватанимиз ва халқимизга муҳаббат, миллий ғояга садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида тарбиялаш, таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий этишда эришган муваффақиятлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдуғаниев Акмал Абдуғаффарович — Янгиобод агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежи услубчиси, Жиззах вилояти

Абсаломов Искандар Сайидович — Чирчиқ шаҳридаги 14-Меҳрибонлик уйи директорнинг маънавий ва маърифий ишлар бўйича ўринбосари, Тошкент вилояти

Акбаров Шукурулло Исмоилович — Охунбобоев туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактабининг мусиқа фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Акрамова Раъно Бозоровна — Жондор туманидаги 2-ихтисослашган иқтидорли болалар мактаб-интернатининг инглиз тили ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Алижонов Маҳмуджон — Бешариқ туманидаги 2-ихтисослашган мактаб-интернатнинг физика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Атаджанов Толиб Ғафурович — Қўқон политехника касб-ҳунар коллежининг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари, Фарғона вилояти

Аҳмедова Сурайё Икромовна — Зангиота туман қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг ахборот-ресурс маркази раҳбари, Тошкент вилояти

Бобоев Абдураҳмон Ҳамроқулович — Самарқанд давлат университети қошидаги 1-академик лицейнинг физика-астрономия фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Бегматова Юлдузхон Жамиловна — Балиқчи туманидаги 50-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили ўқитувчиси, Андижон вилояти

Бекчанов Зокир Камолович — Элликқалъа туманидаги 2-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Бозарова Жамила Ҳайдаровна — Ғузор туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Бутакова Ирина Николаевна — Ҳамза туманидаги 145-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Жабборова Робия Арамовна — Қарши туманидаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг физика-астрономия фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Диванова Зулайҳо Салиховна — Урганч давлат университети қошидаги 2-сон академик лицейининг математика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Ережепова Салима Жалиевна — Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 1-сон академик лицейининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

Иброҳимова Гулчеҳра Хусановна — Бувайда агросаноат касб-ҳунар коллежининг математика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Исламова Зарифа Қаршибоевна — Янгиер педагогика коллежининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Исроилова Бўриқотош Наврўзовна — Қўшработ туманидаги 55-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Каримова Дильбар Тошпўлатовна — Тошкент педагогика коллежининг педагогика ва психология кафедраси услубчиси, Тошкент шаҳри

Кулмирзаев Суннат Мусурманқулович — Ангор туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг чизмачилик ва тасвирий санъат фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Мадраҳимов Султонбой Қурбонович — Бўз туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Андижон вилояти

Мамадалиева Марҳабатхон — Улуғнор туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Андижон вилояти

Матёқубов Комилжон — Боғот туманидаги 3-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг кимёбиология фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Машарипов Равшан Одинаевич — Ҳазорасп педагогика касб-ҳунар коллежининг жисмоний тарбия ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Маҳмудов Абдураҳмон Баҳшуллоевич — Вобкент туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг чизмачилик ва тасвирий санъат фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Мурадов Фахритдин Узоқович — «Навбаҳор» қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи услубчиси, Сирдарё вилояти

Назарова Флора Нурматовна — Чилонзор туманидаги 66-махсус меҳнат таълими (ёрдамчи) мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Нам Любовь Трофимовна — Гулистон қурилиш касб-ҳунар коллежининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Норқулова Зулҳумор Рўзиевна — Навоий давлат педагогика институти қошидаги академик лицейнинг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

Нормирзаева Дилором Кенжаевна — Самарқанд шаҳридаги 10-Меҳрибонлик уйи мактабининг оммавий ишлар бўйича ташкилотчиси, Самарқанд вилояти

Низамова Саида Адиловна — Собир Раҳимов туманидаги 28-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Нурмуҳамедов Маҳамадхўжа — Хонобод шаҳридаги 8-болалар мусиқа ва санъат мактабининг ўқитувчиси, Андижон вилояти

Нуруллаев Саламат Абатович — Тахиатош шаҳридаги ихтисослаштирилган «Олимпия захиралари» болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси, Қорақалпоғистон Республикаси

Отарбаев Азатбай Узакбаевич — Нукус маданият ва санъат коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Парпиев Қодирали Махсудалиевич — Тўрақўрғон тумани Хўжанд саноат-транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

Расулова Олия Жўрақуловна — Конимех туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Раҳимов Комилжон — Наманган давлат университети қошидаги 2-академик лицейнинг математика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Рўзиева Латифа Қўйлиевна — Шаҳрисабз туманидаги болалар мусиқа ва санъат мактаби директорининг ўринбосари, Қашқадарё вилояти

Содиқов Ҳикмат Исокович — 5-махсус «Олимпия захиралари» болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори, Бухоро вилояти

Саимова Муҳаббат Нортожиевна — Муборак туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Саломова Зулойҳа Раҳматовна — Хатирчи туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг француз тили ўқитувчиси, Навоий вилояти

Салимов Даврон Нишонович — Зафаробод туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Санақулова Дилором Шерановна — Булунғур қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Сулайманов Сейран Сидиқович — Хўжаобод туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Тиллабоев Абдумалик Раҳимжонович — Паркент туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактабининг мусиқа фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Тожибоева Шаҳзода Ҳабибуллаевна — Марғилон енгил саноат касб-ҳунар коллежининг физика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Тубаева Гульбану Алиаскаровна — Томди туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг қозоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Тўхтабоев Мамажон — Наманган шаҳридаги 1-ихтисослашган мактаб-интернатнинг математика ва информатика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Умерова София Аблякимовна — Риштон туманидаги 44-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Фазилова Сурайё Абдуғаниевна — Янгийўл шаҳридаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Ҳайдарова Инобот Сувонқуловна — Олмалиқ саноат касб-ҳунар коллежининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Ҳасанова Ҳабиба Абдусаматовна — Оҳангарон шаҳар маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Хидиров Худойқул Ярикулович — Хатирчи уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Худойбергенов Рустам Раҳмонович — Беруний туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Худойбердиева Гулбаҳор Абдураҳмановна — Жарқўрғон туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг география ва биология фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Худойбердиев Шодиёр Маматиллаеивич — Самарқанд давлат чет тиллар институти қошидаги академик лицейнинг физика ва астрономия фани ўқитувчиси

Чоршамиев Ҳасан Оманович — Олтинсой туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Шерматова Зилолахон Мусалламовна — Фарғона давлат университети қошидаги Фарғона академик лицейининг кимё фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Шерматова Раъно Мажидовна — Денов хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг ахборот-ресурс маркази раҳбари, Сурхондарё вилояти

Шерназарова Бувахажар Болбековна — Қибрай туманидаги Чингелди маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг тарих фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Эшқурбонов Бозор Рўзиевич — Бойсун туманидаги 45-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Юнусова Раҳимахон Тоҳировна — Уйчи туманидаги 8-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Наманган вилояти

Юсупова Ҳалима Юсуповна — Шаҳрисабз туманидаги 92-умумий ўрта таълим мактабининг амалиётчи психологи, Қашқадарё вилояти

Қозоқова Гўзал Мамасолиевна — Фориш туманидаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг мусиқа фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Курбонов Сайидаҳмад Сайидбердиевич — Термиз банк коллежининг иқтисодиёт асослари фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2008 йил 29 сентябрь

✓ Фракция фаолияти

ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДА ЯНГИ ТУЗИЛМА

унинг ҳуқуқий асослари яратилмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Банк соҳасида муаммоли ҳисобланган кредитларни, хўжалик юритиш субъектлари ўртасидаги ундирилмаган, муддати ўтган қарзларни ундиришда коллекторлик ташкилотларининг ўзига хос ўрни бор. Айрим давлатларда ушбу фаолият билан шуғулланадиган ташкилотларнинг номи турлича аталади. Ўзбекистон Республикасининг «Банк сири тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда коллекторлик фаолияти тушунчаси ишлатилган. Шунинг учун мазкур қонун «Коллекторлик фаолияти тўғрисида» деб номланган.

Депутатлар биринчи ўқишда киритилаётган «Ўзбекистон Республикасининг «Коллекторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг «Банк сири тўғрисида»ги Қонунига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ҳам кўриб чиқдилар.

Мазкур қўшимчалар қонунчилик ҳужжатларини мувофиқлаштириш мақсадида киритилмоқда.

Йиғилишда, шунингдек, биринчи ўқишда киритилаётган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 14 декабрдаги 164-II-сонли қарори билан тасдиқланган «Суд ходимларининг мансаб даражалари тўғрисида Низом»га қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси муҳокама этилди. Мазкур лойиҳа юзасидан Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Нурдинжон Исмоилов маъруза қилди.

Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 23 июндаги «Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳасида мазкур тадқиқот маркази ходимларига ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий суди ходимлари учун белгиланган тартибда иш ҳақи, махсус унвон, мансаб даражаси берилиши назарда тутилмоқда.

Йиғилиш кун тартибидан ўрин олган барча масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари ишлаб чиқилди.

Беҳзод ШУКУРОВ

✓ ЎзХДП: устувор вазифалар

ТАҲЛИЛ ВА МУЛОҲАЗАЛАР

депутатлик гуруҳлари фаоллигини оширишга хизмат қилади

Партия электорати манфаатларини ифода этишда муҳим ўрин тутувчи ЎзХДП депутатлик гуруҳлари фаолиятини таҳлил этиш, фаоллигини ошириш, тарғибот-ташвиқот ишларини такомиллаштириш ва бошқа долзарб масалалар минтақавий партия кенгашлари ижроия қўмиталарининг кенгайтирилган йиғилишларида муҳокама этилаяпти.

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши ижроия қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида партия ташкилотлари томонидан электорат манфаатини ифода этиш борасида амалга оширилган ишлар кўриб чиқилди. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ЎзХДПдан сайланган депутатларнинг бу борадаги фаолияти таҳлил этилди. Шунингдек, йиғилишда ижтимоий ҳамкор ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар, ёшларнинг ва хотин-қизларнинг ижтимоий муаммоларини ечишга кўмаклашиш, сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимининг 2008-2009 ўқув йилидаги машғулотларни юқори савияда ташкил этиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Пойтахтнинг Миробод, Чилонзор ва Юнусобод туман партия кенгашлари ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари томонидан партиянинг ҳамкорлари билан хотин-қизларни ижтимоий муаммоларини ечиш бўйича олиб бораётган ишлари иштирокчилар диққат марказида бўлди. Мазкур туманлар партия кенгашлари томонидан аёлларнинг иш билан бандлиги, улар дуч келаётган масалалар бўйича мунтазам мониторинг олиб борилмокда ва унинг натижалари депутатларга юборилмоқда. Шунингдек, Жамоатчилик қабулхоналарига тушган мурожаатлар асосида ёшлар ва хотин-қизларни ишга жойлаштириш, кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар ва ногиронларга моддий ёрдам кўрсатиш борасида ҳам кўпгина ишлар амалга оширилди.

Йиғилишда Президентнинг «Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш тўғрисида»ги Фармони партия дастурий мақсадларини амалга оширишни кучайтиришда муҳим ҳужжат ҳисобланиши таъкидланди. Масалан, бу йўналишда партиянинг Учтепа туман кенгаши қатор ташаббуслар билан чиқмокда. Туман партия кенгаши раиси бугунги кунда тумандаги 34 та маҳаллада Ўзбекистон ХДПнинг ҳудудий ташкилоти фаолият кўрсатаётгани, ушбу маҳаллалар идораларида партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонасининг бўлимлари ташкил этилгани, улар аҳоли билан амалий ҳамкорликда турли масалаларни ҳал қилаётгани ҳақида маълумот берди.

— Лекин фаолиятимиздан қониқиш сезаётганимиз йўқ, — деди ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси, шаҳар Кенгаши депутати Учқун Шойимқулов. — Чунки, депутатларимиз ўз қонуний ваколатларини тўлиқ ишга сола олмаяптилар. Электорат манфаатларини ҳимоя қилишда ижтимоий ҳамкорлар, жамоат ташкилотлари билан ишлаш ҳамма партия кенгашларида ҳам кўнгилдагидек эмас.

Шунингдек, йиғилишда сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими машғулотларига ёшларни кўпроқ жалб этиш, ўтказиладиган оммавий-сиёсий, маданий-маърифий тадбирларнинг сифати ва самарадорлигига алоҳида эътибор қаратиш ҳақида таклифлар билдирилди.

●●●

Ўзбекистон ХДП Жиззах, Бухоро, Наманган, Фарғона вилоят партия кенгашлари ижроия қўмиталарининг кенгайтирилган йиғилишларида ҳам ушбу масалалар кўриб чиқилди. Йиғилишларда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази «Ўзбекистон овози» газетасининг 2008 йил 27 сентябрь сонидаги эълонда кўрсатилган «Фарғона вилояти, Риштон тумани марказидаги 795/100 ўқувчи ўринли академик лицей қурилиши, «калити билан», деб ўқилишини маълум қилади.

Газетанинг 2008 йил 25 сентябрь сонида босилган Андижон вилоят ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси томонидан берилган танлов савдоси ҳақидаги эълондаги «23. Марҳамат туманидаги 120 ўқувчи ўринли 8-сонли умумтаълим мактаби» жумласи «23. Марҳамат туманидаги 120 ўқувчи ўринли 38-умумтаълим мактаби» деб ўқилсин.

«ЎЗБЕКНЕФТГАЗ» холдинг компанияси ва БУХОРО НЕФТЬ ва ГАЗ САНОАТИ коллежи ЖАМОАЛАРИ

мамлакатимиз ўқитувчи-мураббийларини шарафли касб байрамлари ҳамда Рамазон ҳайити билан муборакбод этадилар.

Муҳтарам устозлар, азиз мураббийлар!
Билим ва тафаккурингиз, бутун борлиғингизни бағишлаган ёш авлод камолоти йўлидаги масъулиятли ва шарафли ишларингизда омадлар ёр бўлсин!

Ўзбекистон мусулмонлар идораси Бухоро вилояти вакиллиги ҳамда Баҳоуддин Нақшбанд жоме масжиди жамоалари

мамлакатимиз мўмин-мусулмонларини, барча аҳолисини умумхалқ байрами сифатида нишонланаётган Рамазон ҳайити билан самимий муборакбод этадилар.

Бизнинг қутлуғ диёримиз ислом дини маданият бешикларидан бири сифатида шуҳрат қозонган. Бугун юртимизда исломий қадриятлар қайта тикланди, иймон-эътиқодимиз ўзимизга қайтди. Меҳр-мурувват, бағрикенглик ғояларини ўзида тўла мужассам этган муқаддас динимиз эса қадрини топди. Буларнинг барчасига мустақиллик туфайли эришдик.

Азиз дўстлар!

Биз яна бир улуғ сана — устозлар ва мураббийларимизнинг касб байрамларини нишонлаяпмиз.

Соғлом ва баркамол, мустақил фикрлайдиган, Ватанимиз келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёр бўлган ёш авлодни тарбиялашга ҳисса қўшиб келаётган барча муаллимларимизни касб байрамлари билан яна бир бор табриклаймиз.

Аллоҳдан сизларга узоқ умр, хайрли амалларингизда файзу баракот тилаймиз!

ОЛМАЛИҚ САНОАТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

Халқимизни, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва Тошкент вилояти бошқармаси ходимларини, таълим соҳасида фаолият юритаётган барча ҳамкасбларимизни қўшалоқ айём —

Ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами ва Ийд ал-адҳо Рамазон ҳайити билан

самимий муборакбод этади.

Барчангизга бахт-саодат, сиҳат-саломатлик ва тинчлик, баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги эзгу ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз!

КЎНГИЛ ОЛИШ ҲАМ ИБОДАТДИР,

— дейди Тошкент шаҳар бош имом хатиби Анварқори ТУРСУНОВ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўтмишсиз келажак йўқ, деганларидек, севимли адибимиз Абдулла Қодирий айтмоқчи, ҳамма нарса қиёсда билинади, яъни мозийга назар ташлаш билан тарихимиз ва ўзлигимизни янада яхши англаймиз. Ҳақиқатан Қуръони Карим пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)га йигирма уч йил мобайнида нозил бўлган. Ана шу Ислом динини, Қуръони Каримни, Ҳадиси Шарифни илмий равишда ўрганиш, оламга тарқатишлик бизнинг аждодларимизга насиб этди. Хусусан, мусулмонлар олами эҳтиромига сазовор зот Имом Бухорий ҳам юртимиздан чиққанлар. Ислом илми, Қуръони Каримни илк бор балоғати, фасоҳатини тушунтирган ва ҳозирга қадар дарслик бўлиб турган кашшоф тасвирини хоразмлик Имом Замахшарий ёзганлар. Имом Бухорий, Имом Термизий бу ишларни давом эттиришган. Имом Мотурудий эса яхши суннат ва жамоа эътиқодини илмий асосда ўрганганлар. Бундай мисоллар бисёр. Демак, ташбеҳий ва мажозий ёққан ёмғир самараси нечоғли экани кўриниб турибди.

Дарвоқе, Ватанимиз алломалар юрти дейилиши муболаға эмас. Биз буни ёшларга тушунтириб, Ислом дини, Қуръони Карим илми, ҳадис, эътиқод тараққиёти ҳам юртимизда равнақ топганини ва буни бутун дунё тан олишини билдираяпмиз. Маккага, ҳажга борган ҳожиларимизга эҳтиром жуда баланд. Боиси, уларга Имом Бухорий, Имом Термизий юртидан деб қарашади.

— «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши яқин ўтмишда дўппи кия олмай, мачитга бора олмай юрган замондошларимиз онги-шуурида ижобий ўзгаришларга сабаб бўлди...

— Аллоҳ мен берган неъматларга шукрона қил, сенга зиёда қиламан, дейди. Мустақиллик — энг олий неъмат, буюк саодатдир. Яхшилик исроф бўлмайди. Чунки, мустақиллик туфайли ҳамма соҳада тараққиётга эришаяпмиз. Дунё ҳавас қилаяпти. Айниқса, диний қадриятларга бўлган муносабатни алоҳида таъкидлаш мумкин. Мадраса, мачит, қадамжоларнинг обод этилиши, ҳайитларнинг байрам қилиниши, ҳаж, умраларга эмин-эркин сафар қилишлар...

Илгари бундай неъматлар орзу ва армон эди. Шунинг учун ҳам ёшларимиз бундай саодатни эъзозлашлари ва қадрлашлари лозим бўлади.

Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобига қизиқиш катта. Чунки бу китобда сўз ва амал бирлиги ўз ифодасини топган, диний қадриятларга алоҳида боб ажратилган. Мухтасар айтганда, ҳуррият туфайли имонни, эътиқодни, миллийликни қайтариб олдик. Муҳими, ўзлигимизни англадик.

— Бу йилги ийд Рамазон Ўқитувчи ва мураббийлар байрамига уйғун келиб, вобаста нишонланадиган бўлди. Бунда ўзига хос мажозийлик бор, албатта.

— Юртимизга Аллоҳнинг назари тушган, деб бежиз айтилмайди. Рамазон ойининг бошланиши энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — Мустақиллик айёмига эш бўлган эди. Мана, энди яна икки мўътабар айёмни қўшиб нишонлаш насиб этиб турибди. Илгари бундай диний байрамларда мачитларга боришга йўл берилмас эди. Ҳозир эса мамлакатимизнинг барча мачитларида Хатми Қуръон бўлди, дуолар ўқилди. Ҳайит кунларида ота-оналарни зиёрат қилиш, дардмандларнинг кўнглини овлаш хайрли саналади. Устозлар дуосини олиш савобдир. Мураббийлар байрами ҳам Аллоҳнинг марҳамати.

Ийд Рамазон ҳаммамизга муборак бўлсин.

Суҳбатдош: Мирзо АНВАР

Мустабид тузум даврида миллий уйғонишга омил бўлувчи тарихимиз, динимиз, ёзувимиз ва қадриятларимиз қатағон этилган. Наинки муқаддас китобларимиз, балки араб имлосида битилган ҳар қандай рисола ўтда ёқилган. Биргина 1930 йилда республика бўйича 24 минг масжид вайрон этилган.

ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

дунёвий ва диний билимлар инсонни комилликка ундайди

Ислом Каримов Ўзбекистон раҳбари сифатида иш бошлаган дастлабки кунларда, 1989 йилда тарихий Усмон Қуръонини мамлакатимиз мусулмонлари идорасига тақдим этиши диний қадриятларга муносабатни тубдан ўзгартириб юборди. Шундан буён ўтган даврда бу борада беқиёс ишлар амалга оширилганини жаҳон ҳамжамияти яқдиллик билан эътироф этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Тошкент Ислом университети ташкил этилиши Ислом илми ва унинг тарихи ҳамда фалсафасини мукаммал эгаллашга замин яратиб қолмай, мамлакатимизнинг мусулмон оламидаги обрў-эътиборини янада оширди. Нуфузли илм даргоҳи, мана, тўққиз йилдирки, Президентимиз Фармонида кўзда тутилганидек, **«Халқимизнинг муқаддас эътиқоди — Ислом динига оид бой маънавий-маданий меросини асраб авайлаш, диёримиздан етишиб чиққан буюк алломаларнинг илмий ғоялари ва асарларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, таҳлил этиш ва замонавий руҳда ривожлантириш, шу соҳада илмий-назарий тадқиқотлар олиб бориш, замон талаблари даражасида малакали мутахассис кадрлар тайёрлашни таъминлаш, уларга лозим бўлган шарт-шароитлар яратиш ҳамда аждодларимиздан қолган ноёб манбалар асосидаги тадқиқ этилган маълумотлар билан халқимизнинг диний саводхонлигини ошириш»**га хизмат қилмоқда.

Йилдан-йилга нуфузи ортиб бораётган Тошкент Ислом университетининг янги биноси яқинда қуриб фойдаланишга топширилди.

Шу кунларда университет ҳовлисига кириб борсангиз, барчаси бирдек дид билан қийинган, бир-бирининг ҳурматини жойига қўйиб, хушмуомала қилаётган талабаларни кўрасиз. Ва уларга меҳрингиз ошганини ҳис қиласиз.

Фарруҳ ҚЎШБОЕВ, Ислом тарихи ва фалсафаси факультети, диншунослик йўналишида таҳсил олаётган II курс талабаси:

— Ҳар бир инсоннинг келажакда қандай соҳа эгаси бўлишини оилавий муҳити белгилайди. Мен отамнинг таъсирида Ислом тарихига меҳр қўйганман. Чунки отам шарқшунос олимлар ижодига, айниқса, Ислом тарихига жуда қизиқади. Шу соҳага оид бебаҳо асарларни ўқишни доим менга тавсия қилган. Шундан бўлса керак, тарих фанига, хусусан динлар тарихига қизиқиб қолганман. Шукрки, ниятим ижобат бўлиб, шундай нуфузли олий даргоҳда таҳсил олаяпман.

Биз дунёвий ва диний билимларни бирдек ўрганаяпмиз. Аждодларимизнинг бой маънавий мероси, Ислом фалсафаси, улуғ муҳаддис боболаримиз қолдирган нодир китоблар шундай бир хазинаки, уни билган, ундан кўпчиликни баҳраманд этган киши асло кам бўлмайди. Шу билан бирга, университетда замонавий фанлар ҳамда чет тиллар бўйича чуқур сабоқ берилади. Бу эса кенг ва замонавий билим олишга, асл билимларни эгаллашга хизмат қилади.

Севара БОЗОРОВА, ФИҚҲ, иқтисод ва табиий фанлар факультети, Ислом ҳуқуқи йўналишида таҳсил олаётган II курс талабаси:

— Инсон ёшлигида бир соҳани танлагач, унга эришиш учун астойдил ҳаракат қилса, албатта, нияти ижобат бўлади. Ўсмирликдан дунёвий ва диний билимларга ихлосим баланд эди. Оллоҳ насиб қилган экан, муродим ҳосил бўлиб, ўзим орзу қилган севимли университетимга ўқишга кирдим. Бу қутлуғ даргоҳ Марказий Осиёда ягонадир. Ҳамдўстлик мамлакатларида биринчи бўлиб, гўзал пойтахтимизда Ислом олий илм маскани очилган. Ҳавас қиладиган муҳит ва шарт-шароит яратилган. Биз таълим олаётган устозларимиз зукко, билимдон, мўътабар олимлар. Улар билан устоз-шогирд муносабати йўлга қўйилган.

Мана, ахборот-ресурс маркази, унда 4000 номдаги дарслик, 60000 номдаги қўлланма ва адабиётлар мавжуд. Компьютер воситасида нодир қўлёзмалардан баҳраманд бўлиш имконияти яратилган. Янги аудиториялар, замонавий жиҳозлар билан таъминланган ўқув хоналари одамнинг ҳавасини келтиради. Барча ўқув-техник ускуналар, ленгафон хонаси, интернет тармоғи биз, талабалар хизматида.

✧✧✧

Биз Тошкент Ислом университетида бўлганимизда, талабалар ҳар томонлама чуқур билим олиш билан бирга, неча минг йиллик қадриятларимизни, улуғ аждодларимиз меросини тадқиқ этиш, нодир ва бебаҳо асарларни таржима қилиб, халқимизга етказиш борасида ҳам хайрли ишлар қилаётганига гувоҳ бўлдик. Улар Юртбошимизнинг қуйидаги пурҳикмат даъватига амал қилишади:

«Маънавий дунёси юксак, теран билимли одам ҳаёт йўлларида ўзини йўқотмайди, оқни қорадан, яхшини ёмондан ажрата олади, ўзгаларнинг таъсирига берилмайди».

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Tat`yana KISTANOVA
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Asror MO`MINOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 849
8129 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 22.30
Topshirilgan vaqti — 00.30
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda

ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ жамоаси

1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами, шунингдек, муборак Рамазон ҳайити муносабати билан

бутун мамлакатимиз аҳлини, Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва Тошкент вилояти бошқармаси ходимларини, барча ўқитувчи ва мураббийларни чин дилдан табриклайди.

Сизларга узоқ умр, бахт-иқбол, сиҳат-саломатлик, масъулиятли ва шарафли меҳнатларингиз роҳатини кўриб юриш насиб этсин!

✓ Спорт

ТЕННИС

Пойтахтимиздаги Республика Олимпия заҳиралари теннис мактаби кортларида аёллар ўртасида Sony Ericsson WTA TOUR туркумига кирувчи Tashkent Open анъанавий халқаро турнири бошланди. Соврин жамғармаси 145 минг АҚШ долларини ташкил қилувчи мазкур нуфузли мусобақада дунёнинг йигирмага яқин давлатидан келган ракетка усталари ғолиблик учун кураш олиб боришмоқда.

Улар орасида Халқаро аёллар теннис ассоциацияси таснифида кучли юзликдан жой олган Шуаи Пенг (41-ўрин, Хитой), Олга Говорцова (45, Белоруссия), Сорана Сирстеа (46, Руминия), Сабине Лициски (63, Германия), Магдалена Рибарикова (64, Словакия), Моника Никулеску (69, Руминия), Оқгул Омонмуродова (78, Ўзбекистон) сингари кучли теннис усталари бор.

ФУТБОЛ

Ўзбекистон XVII миллий чемпионати олий лига жамоалари 22-тур учрашувларини ўтказишди. Кутилмаган натижа «Андижон» — «Пахтакор» жамоалари учрашувида қайд этилди. Ўйиннинг 32-дақиқасида Зайниддин Тожиев киритган тўп эвазига меҳмонлар олдинга чиқиб олишди. Бироқ 90+2-дақиқада Тенгиз Кобиашвили томонидан йўлланган гол учрашувнинг дуранг билан якунланишига сабаб бўлди.

Қолган ўйинлар эса қуйидагича якунланди: ОТМК — «Насаф» — 1:1, «Металлург» — ЎзДонгЖу — 3:1, «Шўртан» — «Локомотив» — 2:0, «Қизилқум» — «Сўғдиёна» — 1:0, «Навбаҳор» — «Нефтчи» — 1:0, «Бунёдкор» — «Бухоро» — 2:0, «Машъал» — «Динамо» — 1:1.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ҚУРИШ РЕСПУБЛИКА ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

т/р	Объектлар номи	Қуввати
1	Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳридаги академик лицей реконструкцияси	795/200 ўқув ўринли, ётоқхонаси билан

Қурилишни якунлаш муддати — 2009 йил 1 август.

Буюртмачи — Тошкент шаҳри, Саидов кўчаси, 76-уйда жойлашган Академик лицейлар қуриш Республика инжиниринг компанияси. **Тел: 8 (371) 227-11-84.**

Қурилиш ишларини молиялаштириш Академик лицейлар қуриш Республика инжиниринг компаниясига ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 % микдоридаги бўш айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва устав сармоясининг миқдори, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми 50 фоиздан кам бўлмаслиги шарт.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Гулистон шаҳри, М.Ахтамова кўчаси, 30-уйда** жойлашган Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига, қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Тел: (8-3672) 27-64-84, факс (8-3672) 27-64-42.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ҚУРИШ РЕСПУБЛИКА ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2009 йилда қуйидаги иншоотни қуриб, тайёр ҳолда фойдаланишга топшириш юзасидан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Сурхондарё вилояти, Сариосиё тумани, «Ҳурватан» қишлоғидаги 495/100 ўринли академик лицей қурилиши.

Иншоотнинг қурилиш муддати — 2009 йил 1 июль.

Буюртмачи: Академик лицейлар қуриш республика инжиниринг компанияси.

Манзили: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Саидов кўчаси, 76-уй. Тел/факс: (8-371) 227-11-84, 246-18-79.

Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Давлат бюджети маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнишиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй.

Телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уйда** ўтказилади.

Газетанинг навбатдаги сони 4 октябрь — шанба куни чиқади.